



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 70 (9566).

• 1989 йил II апрель • сешанба •

Баҳоси 3 тийин.

ҚАРДОШЛИК ВА ДЎСТЛИК КЎПРИКЛАРИ

Туркмениформ ва ЎзТАГ махсус мухбирлари Чоржўй обласидан хабар қилишади

Туркман қизларининг байрамона миллий кийимлари кўламнинг ёрқин буёқлари билан уйғунлашиб кетди. 7 апрель кўни Ўзбекистоннинг Қорақўл райони билан Туркменистоннинг Фароб райони чегарасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов билан Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. А. Ниёзов бошчилигидаги икки қардош республика делегациясини туз ва нон билан қаршиладилар.

Ўзбекистон делегациясини ташкил этиб республика Министрлар Советининг Раиси Ф. Х. Қодиров, Бухоро об- ласты партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Ёдгоров, Бухоро об- ласты ижроия комитетининг раиси Ш. К. Гатаулин, Туркменистон ССР делегациясини ташкил этиб республика Министрлар Советининг Раиси А. Хўжамуратов, Мари об- ласты партия комитетининг биринчи секретари К. М. Урозов, Чоржўй об- ласты партия комитетининг биринчи секретари Б. Тоғандурдиев, Тошкент об- ласты партия комитетининг биринчи секретари О. Хўжаев, Туркменистон ССР давлат хавфсизлиги комитетининг раиси П. М. Архипов бор эдилар.

Бу ерда ана шу учрашувдан хотира деб абадий яшил туй ва чинор ниҳолларини ўтказдилар. Бу ян-

ҳоллар республикалар чегарасидаги дўстлик ҳибонининг безагига айланди. Ленинча социалистик интернационализм идеалларига садоқат ҳақидаги қасамд янгради.

Туркменистоннинг Чоржўй об- ласты меҳнаткашлари меҳмонларни самимий кутиб ол- дилар. Уларни қўшни об- ласты билан азаллиқ дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғлаб келмоқда.

Чоржўйнинг вокзалолди майдонида митинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов ингилиш ахлини ўз- беқ халқи номидан табрик- ладди.

Дўстлигимиз узоқ ўтмиш- га эга, деб таъкидлади у. Халқларимиз тақдирини кўп нарсалар чапишиб кет- ган. Иқтисодий ҳамкорлик- ни ривожлантириш дўстона ва маданий алоқаларни мус- таҳкамлаш тўғрисидаги ҳам- дўстлик шартномаси имзола- ниши билан муносабатлари- миз янги кудратли омилга эга бўлди.

Халқларимиз — дўстлик деб аталган асим дарёнинг икки қирғоғидир. Қўрнимас кўприқлар ана шу қирғоқ- ларни абадий туташтирди. Биз шу дарёдан сув ичиб, даладларимизни сугорамиз. У жонажон дўстимизга му- ҳаббатимиз билан, муштараклигимиз ва жипслигимиз билан йўғрилган. Қайғули ва

қувончли кунларда халқла- римиз бирга. Бу ҳам бизга куч бахш этади, дўстлиги- миз — бойлигимиз эканли- гига қатъий ишонч уйғота- ди. Ана шу ишонч туйғули биз маънавий жиҳатдан кучли ва боймиз. Қайта қуришни, умумий ишимиз муваффақиятларини мукар- рарлиги бош қафолоти совет кишиларининг интернаци- онал жипслигидадир. Миллий муносабатлар соҳасида қан- дай зиддиятлар вужудга кел- масин қардошлиқ, дўстлик ва бирдамлик руҳи доимо ғалаба қилишига ишончимиз комил.

Митингга сўзга чиққан кишилар халқларимиз ҳаё- тининг оғир кунларида до- имо ёрдамга биринчи бўлиб қўшилиш келганини таъкид- ладилар. Ашхобод ва Тош- кентнинг зилзиладан сўнг тикланиши бунинг энг ёр- қин мисолдир. Ўзбек хал- қи бошпанасиз қолган тош- кентликларни юзаб турк- ман оилалари бағрига олган- ини, янги Тошкентни бар- по этишда туркман бунёд- қорлари аjoyиб меҳнат қилишганини миннатдорчи- лик билан аслайди.

Дўстлик — одамларга до- нолиқдан сўнг қилинган энг аjoyиб совғадир. Туркма- нистон Компартияси Мар- казий Комитетининг бирин- чи секретари С. А. Ниёзов митингга сўзлаган нутқида ана шу доно халқ мақолини тилга олди. Бу сўзларини ҳаққонийлигини совет рес-

публикалари кўп миллатли иттифоқининг бутун тарихий тараққиёти тасдиқламоқда. Улардан ҳар бирининг му- ваффақиятлари ва ютуқла- ри СССРдаги барча миллат- лар ва элатларнинг меҳнати ҳамда куч-гайратлари нати- жасидир. Ана шу бебаҳо инъомни асраш бизнинг бурчимиз.

Туркменистонда ашайдиган энг катта миллий группалар- дан бири ўзбеклардир. Улар қарийб 9 процентни ташкил этади. Республикда ўзбек тилида ўқитилган 77 та мактаб ишлаб турибди. Ўз- беқ миллатига мансуб киши- лар республика партия, совет, комсомол ташкилот- ларида анчагина. Тошкент раёонида ўзбек тилида «Пах- тавор» газетаси чиқади. Ўз- бекистон ССР ва Туркма- нистон ССР навиёт, поли- графия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетлари яқинда биргаликда ҳамкор- лик қилиш тўғрисидаги би- тимга имзо қилишди.

Бу битим ўзбек аҳолининг дарслиқлари, бадий ада- биётга талабни тўлақон қондириб имконини беради. Туркменистон ва Ўзбекистон ҳақида буклетлар, альбом- лар, китобчалар чиқариш планлаштирилмоқда. Ашх- обод шаҳри, Чоржўй об- ласты ва Байрамали шаҳрига Ўзбекистон телевидение- сининг программалари олиб кўрсатилади. Туркман ва ўзбек театрларининг бир-

бирлиги гастроллари амал- га оширилмоқда. Бу йил Тош- кент оперетта театри Ашхободга боради, А. С. Пушкин номидаги рус дра- ма театри Тошкентга кела- ди.

Республикаларнинг айрим намоёнлари ўзаро муно- сабатларида қўшничиликлар ҳам бўлди. Бирок, барча муаммолар ҳамжиҳатли- лик ва ишонч негизда ҳал қилиниши мумкин. Кўпгина масалалар, хусусан, сувдан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муваффақиятли ҳал этилмоқда. Иқтисодий алоқалар мустаҳкамланиб ва кенгайиб бормоқда.

Митингдан

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ БАЖАРИШ — ХАММАНИНГ, ҲАР БИР КИШИНИНГ ИШИ

(Боши 1-бетда).

КПСС XXVII съезидан сўнг ўтган давр ичида область партия, совет ва ҳўжалик органлари халқ ҳўжалик комплекс аграр секторини ривожлантириш юзасидан маълум ташкилий-сиёсий ва ҳўжалик тадбирларини амалга оширдилар. Агросаноат комплексида ҳўжалик юритиш механизмининг таъминлаштириш, қишлоқда пудратнинг хилма-хил формаларини ривожлантириш ишлари бошлаб юборилди, янги агрорасноат тузилмалари (агробирмалар, агрорасноат комбинатлари) ташкил этишда, зарар келтираретган ҳўжаликлар ва корхоналар сонини қисқартиришда, агрорасноат комплексини ишлаб чиқаришнинг молиявий жиҳатдан соғломлаштириш, рентабеллигини оширишда муайян тажриба тўпланди.

Бу тадбирлар давлатта пахта ҳам ашёси, сабзавот, дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ҳамда ҳам ашё топириш юзасидан ўтган уч йил план-бўғормаларини бажариш имконини берди. Колхоз ва совхозларда 1988 йилда янги маҳсулот 1985 йилга нисбатан қариб 25 процент ўсди, соф бойда 10 миллион сўмга ёки қариб 1.5 баравар қўйилди, зарар келтирувчи ҳўжаликлар сонини 33 тадан 6 тагача тушди. Мева-сабзавот консервлари, кондитер маҳсулотлари, маргарин ва ёғи олинмаган сут маҳсулотлари ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайди.

Бироқ эришилган ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқарилаётган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ҳажмлари област меҳнатчиларининг гўшт, сут, картошка, сабзавот, медаларнинг айрим турлари, сингари муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини жон бошга истеъмол қилиш даражасини ошириш имконини бермади.

Шаҳар ва район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотлари, жамоат ва ҳўжалик органлари ишини озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга етарли даражада йўналтири олмадилар.

Шаҳарлар ва районларда бу беш йилликка ва истиқболга мўлжалланган ўзларининг аниқ озиқ-овқат программаси йўқ эди. Уларда территориянинг ўзига хос хусусиятлари ва мавжуд ички ўсиш резервлари, ҳисобга олинмаган эди.

Қўп ҳўжаликларда деҳқончилик ва чорвачиликни юритиш маданияти ҳозирги талабларга жавоб бермайдди. Мева-сабзавот экнилари, картошка ҳосилдорлиги, чорвачилик маҳсулдорлиги пастлигига қўлқолмади. Озуқа етиштиришни ташкил этиш даражаси ҳам паст.

Колхозлар, совхозлар, тайёрлов ва савдо ташкилотлари ишлаб чиқариш базаларини мустаҳкамлашга, мева-сабзавотларини саралаш, қайта ишлаш ва саклаш пунктларини қурилишига етарли эътибор берилмади, бу ҳол ҳосилнинг қариб учдан бир қисмининг бўғилиши ва йўқолишига, сифати пастлигига олиб келди.

Шаҳар ва район партия комитетлари, область ижроия комитети, область агрорасноат комитети ва уларнинг жойлардаги органлари коммунист раҳбарлари ишида илчилликнинг йўқлиги, янги иқтисодий механизмни, коллектив, оила ва ижара пудратини жорий этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш амалга ошириш ўлда-ўқдалиги, шахсий ва ёрдамчи ҳўжаликлар, кооперативлар ва бирликдаги корхоналарни ривожлантиришга етарли эътибор берилмаганди, қишлоқни социал ривожлантириш масалаларини етибордан четда қолганлиги оқибатида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда агрорасноат комплексини жиддий қўлоқликка учиради.

Шу билан бирга аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммосининг ўткирлиги биринчи галда яна қуйидаги ҳолат билан изоҳланади. Регион аҳолисининг солин территорияда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш базавиларида 2—2.5 баравар оғиш кетди. Шаҳарлар жадал ривожланиб бораётганлиги қишлоқ ҳўжалик экнилари майдонининг анча қисқаришига олиб келди. Чўноқини кейинги ўн йил ичида экни майдонлари қариб 11 минг гектар камайиб кетди. Шу жумладан, 6 минг гектардан ортқ экнизорлар ва дарахтзорлар қисқарди, уларнинг учдан бир қисми Тошкент шаҳрига ўтказилди. Шу билан бирга экни майдонлари структурасининг баласлаштирилмагани и г и, бу майдонларнинг ярми техник экнилар билан банд қилиб қўйилганлиги ҳам қишлоқчиликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлди.

Вужудга келган аҳолини,

озиқ-овқат муаммосининг ўткирлиги ва мураккаблашиб бораётганлигини танқидий таҳлил қилиш област партия ташкилотлари ва область ижроия комитети томонидан талаб қилди. Уларнинг асосий концепциялари област XXIII партия конференциясида, область партия комитетининг кейинги бюро мажлислари ва область ижроия комитетининг мажлисларида муҳокама қилинди. Натиклада бу муаммони ҳал этиш форма ва методларига янги ҳал қилишлар ишлаб чиқилди. Ана шу асосда область ижроия комитети «1989—1991 йилларда Тошкент области ва Тошкент шаҳри аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш юзасидан биринчи галдаги тадбирларнинг комплекс программаси»ни ишлаб чиқди.

Ўз ресурслари ҳисобига яқин уч йил давомида аҳоли жон бошқа ҳисоблаганди картошка етиштиришни 17 килограмм ёки 1.9 баравар, сабзавот етиштиришни 57 килограмм — 1.7 баравар, гўшт етиштиришни 2.2 килограмм — 14 процент, сут етиштиришни 10 килограмм ёки 11 процент қўйилтириш вазифаси қўйилган. Бу деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини интенсификаштириш, техника экнилари майдонларини 41 минг гектарга қисқартириш, КПСС Марказий Комитетининг март (1989 й) Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган бир қатор ташкилий, иқтисодий ва бошқа масалаларни ҳал қилишни тақозо этади.

Ана шу муаммолар ҳусусида батафсилроқ тўхташга рухсат этинг.

Агрорасноат комплексини бошқариш структурасида бўғуғбозлик-бюрократик услуб ва методларни батамом тутатиш йўли билан ташкилий қайта қурилиш кечиктирмай амалга ошириш ҳозирги муҳим вазифадир. Ҳозирги вақтда РАЙОЛарни давлат бошқарув органларини давлат ҳўжалик ҳисобидидаги ташкилотларга илчил айлантириш иши олиб боришмоқда, бунда иқтиёрийлик асосида ташкил қилинаётган агрорасноат интеграцияси ва кооперациясининг янги ташкилий формалари кенг ёйилтири. Улар колхозлар, совхозлар ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқарувчилар маюфакатларига хизмат қилиши лозим. Район партия комитетлари, район ижроия комитетларининг вазифаси уларда демократик асосларни ривожлантиришга ҳар томонлама қўмақлаштиришдан иборат. Бу демократик асослар шерикларнинг ўзаро манфаатлари ва уларнинг тўла ҳўжалик мустақиллигини ўз ичига олади. Бўлар-

Москва, Кремль, 1989 йил, 31 март.

Дастлабки ижодий қадамлар

ТЕАТР СИНОВ ОЛДИДАН

ТОШКЕНТ Давлат университетининг маданият саройида Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорлиқларини сақлаш жамиятининг Тошкент шаҳар Совети қўшида ташкил этилган «Шарқ» Давлат театри санъаткорлари биринчи марта ўз маҳоратларини синаб кўрдилар.

Шаҳримизнинг қадимий меъморчилик обидаси ҳисобланмиш Абулқосим мадрасасида фаолият кўрсатган мажмур ижодий коллективга режиссёр Тоҳирмуҳаммад Исроиллов бошчилик қилмоқда.

— Коллективимизни ёшлар ҳисобига тўлдирдик, — дейди Т. Исроиллов. — Бу ерда сиз таниқли артистларни

камчиликларини ҳам кўриб олдилар. Лекин театр коллективига эътирозларимиз бор. Кўра Алиева раҳбарлигидаги вокал-чолгу ансамблининг чиқишларида урф-одатларимизга хос бўлмаган ҳаракатлар борлиги сезилиб қолди. Бизнингча, халқимиз севиб кўйлаб келган классик куй ва қўшиқлардан сўнг саҳнада ярим яланғоч ҳолда ўйнаш шартмикин? Назаримизда, Р. Азимов «Дилхироз» рақсини ҳам қиймига етказиб ижро этолмади. Шунга қарамадан театрда таланти ёш артистлар борлиги бизни қувонтиради.

Тез кунлар ичида Абулқосим мадрасасида театрни тантанали очилиш маросими бўлади. Биз уларнинг ижодий ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Х. ЮНУСОВ.

Суратларда: рақосалар С. Алимова ва З. Узоқовлар; мажмурлар ансамбли (сандан ўнгга) У. Эргашев, Н. Сатторов, Ж. Уроқов,

бадий раҳбар Ўлмас Расулов, О. Қожирипов, актёрлар С. Исмоилова, И. Кенжаев ва Ш. Азимовлар;

саҳнага чиқиб олдиқан; студентлар шаҳарчасида карнай сурнай наволари янграмоқда. Д. Аҳмедов фотолари.



ШИФОКОРЛАР

Кўмакчиси

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг «Медтехника» базасига шу кунларда ҳоржоник мамлакатлардан даволаш муассасаларида қўлланиладиган аппаратлар келтирилмоқда. Айни пайтда пойтахтимиздаги қатор шифокорлар ана шу жиҳозлар билан таъминланмоқда. Хусусан, яқинда 6-туғуруқхонада Венгрия Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган ультратовуш диагностикаси, Германия Федератив Республикаси олимлари томонидан яратилган респиратор ҳамда даниялик мутахассислар ихтиро қилган «Микроаппарат-ОР-215» анализатори ўрнатилди.

Мажмур аппаратлар акушер-гинекологларимизнинг меҳнатини анча енгиллаштирилади. Жумладан, «Микроаппарат-ОР-215» анализатори ҳомиладор аёллар қон таркибидagi микроэлементларнинг ўн минут мобайнида аниқлаш имконини беради. Илгарилари эса бунинг учун бир сутка талаб этилган эди. Ультратовуш диагностикаси аппаратлари ердимида ҳомиладор аёлларга аён етказмай ҳомилагини ривожланиши аниқланади. Респираторлар эса диимикчи тутилган чақалоқларни сунъий ҳаво билан нафас олдиришда қўл келади.

М. ШОКУСОВА.

Санъатимизнинг ёш кучлари

ИСТЕЪДОД ҚАНОТИДА

ХАР бир кунимизни санъатсиз тасаввур эта олмаймиз. Айниқса, куй ва қўшиққа юрагидан мафтун бўлмайдиган одамни топиш, амри маҳол. Аммо куйлаш, қўшиқ айтиш бахти, ўз истеъдоди билан муҳлислар ҳурматига сазовор бўлиш шарафни ҳар кимга ҳам напси бўлавермайди.

Аҳмаджон Дадаев ана шундай талант эгаларидан бири. У Паркент районидagi Навдак қишлоғида санъаткорлар оиласида туғилди. Оилада саккинч фарзанднинг ҳаммаси соз чалиб, қўшиқ айтишарди. Моҳир созанда, уста дуторчи Шокарим ака ўғлидаги интилишни тезда илғаб олди-да, олти-етти ёшларидаёқ унга соз ясаб берди. Отанинг қўлбола совғаси эш Аҳмаджонда музикага бўлган ҳавасни янада оширди.

Красногорск посёлкисидаги Глинка номида музика мактабида тахсил кўраётган, унга Г. Пинхасов музикадан сабоқ берди. Шундан сўнг Аҳмаджон Тошкентдаги Ҳамаз номида музика билим юртида, ундан кейин Тошкент Давлат консерваториясида таълим олди. Консерваторияда меҳрибон ва талабчон устози М. Мухамедовдан соз сирларини мажмур йўлларини кўриб билан ўрганди.

Мана, уч йилдирки, А. Дадаев Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиозинтибириш Давлат комитети қўшидаги Юнус Ражабий номида «Мақом» ансамблининг созанда-ғижжакчиси. Бу ижодий коллектив ёш санъаткор учун катта тажриба мактабига ўтапти. О. Ҳотамов, О. Алимаҳсумов, С. Тўхтасиновлар билан ҳамкорликда ижодий муҳит унинг санъаткор сифатида шаклланишида муҳим роль ўйнамоқда.

Маълумки, ғижжак халқимизнинг кўхна чолғуларидан бири бўлиб, у созандадан катта меҳнат ва маҳорат талаб қилади. Бунинг аниқлиги Аҳмаджоннинг тинимсиз изланишлари, у «Хожини Нибз 1-1», «Сурнай дашт навои», «Ийтизот этман», «Жоним меннинг», «Бир ишва билан», «Кўза тутарман» каби қатор куйларини маромига етказиб чаладиган бўлиб.

Созанда 1987 йилда иккинчи республика ёш мажмурчилар конкурсида қатнашиб, «Бузурук» мажмурида «Сарахор» бузурук, «Мўзгучи» бузурук, «Мўхаммаси ушшоқ» куйларини ижро этганда залда гулдурос

қарсақлар янгради. Жюри ҳайъати уни бир овоздан биринчи даражада диплом билан тақдирлади. Бу — Аҳмаджоннинг қўлга киритган дастлабки йирик муваффақияти эди.

Унинг хонанда сифатида танилиб бораётганлиги ҳаммаимизни қувонтиради. Илк бор «Меҳнат билан» қўшигини айтиб эл озғига тушган, кейинчалик ўз репертуарини «Яхшироқ», «Ой гули», «Кеча-қуёғ», «Умидим қолди», «Сени куттайман», «Тошкент жамоли», «Рубоим» тари иккинчи сингари қатор қўшиқлар билан бойитган санъаткор эҳдиликда ансамблининг етуқ созандадир.

Аҳмаджон миллий санъатимизни чет элларда ҳам манзур қилиб келатган иқтидорли эшлардан. У Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитетининг йўлнамаси билан йўлларини Франция, Югославия ва Афғонистонда бўлиб, ҳам созанда, ҳам хонанда сифатида ўз маҳоратини намойиш этди.

Кейинги йилларда А. Дадаев б